

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

1-2018
февраль

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

К.ШАҲОБОВ

Ш.Холмирзаевнинг “Динозавр” романида ўтиш даврининг бадиий талқини 55

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.ИСКАНДАРОВА, З.АБДУЛЛАЕВ

Турли тизимдаги тилларда антропонимларнинг шаклланиши ҳақида 58

Н.УМАРОВА

“Садди Искандарий” достонида денгиз сафарига доир “Ҳаракатлар стратегияси” ёхуд Навоийнинг орзулар кемаси концепти 61

З.АЛИМОВА

Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг “Зубдат ут–таворих” асарида қўлланган форсий сўзлар хусусида 64

И. ДАРВИШОВ

Жануби-ғарбий Наманган ареали қипчоқ тип шевалари шохобчасининг фонетик-фонологик хусусиятлари 68

И.БАБАКУЛОВ

Рус ва ўзбек тилида сўзлашув тоифалари “қуроли”нинг семантикаси 72

Р.МАДЖИДОВА

Инсоннинг ижтимоий-лингвистик ва психоллингвистик хатти-ҳаракатида нутқ маданияти 76

Ш.СУЛТОНОВА

Темпораллик категориясининг лисоний-фалсафий тадқиқи хусусида 81

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ш.ХАНКЕЛЬДИЕВ, Г.БАЙДАДАЕВА

Ёш ўқувчиларнинг жисмоний имкониятларини ошириш учун педагогик технологияларни модернизация қилиш 84

Э.МИРЗАЖОНОВА

Алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар ижтимоий-маданий мослашувининг самарадорлиги масалалари. 89

ИЛМИЙ АХБОРОТ

А.ЮСУПОВА, С.ЎКТАМОВ

Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика дарсларида фанлараро алоқа 94

А.ИБРАГИМОВ, Р.КАРАБАЕВА

Аҳолини сифатли ёғ-мой маҳсулотлари билан таъминлаш муаммолари 96

О. ДАДАЖОНОВ

“Ёш Вертернинг изтироблари” асарида исёнкорлик руҳи 99

С.ҚУРБОНОВА

Замонавий тилшуносликнинг баъзи масалаларига доир 102

У.ҚЎЗИЕВ

Янги изоҳли луғатлар тузишда сўзларни таснифлаш асослари ҳақида 104

М.МИРЗАЖАНОВ, Н.РАСУЛОВА

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштиришнинг асоси сифатида 107

Д.КАРИМОВ

Ёш гимнастикачиларни махсус-физикавий ва техникавий назоратга тайёрлаш 110

АДАБИЙ ТАҚВИМ

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР 113

ХОТИРА

ИБРАТЛИ УМР СОҲИБИ 114

МУЛЬТИМЕДИАЛИ ЎҚУВ-МЕТОДИК МАЖМУАЛАР ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ИНДИВИДУАЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ УСЛУБЛАРИ

М.Мирзажанов, Н.Расулова

Аннотация

Мақолада мутахассислик фанларини ўқитишда мультимедиа технологиялари, мультимедиали ўқув-услубий мажмуаларни қўллаш долзарб мавзу эканлигига эътибор қаратилган.

Аннотация

В данной статье рассматривается актуальность вопроса применения мультимедийных технологий, а также мультимедийных учебно-методических комплексов в процессе преподавания специальных предметов.

Annotation

This article is about role and a place (media) multimedia technology in e-learners. The relevance of the use of multimedia technologies in the teaching of special disciplines. The benefits of e-learners with multimedia technology.

Таянч сўз ва иборалар: мажмуа, махсус фанлар, мультимедиа, технология, мультимедиали ўқув-услубий мажмуа, ахборот технологиялари.

Ключевые слова и выражения: комплекс, специальные предметы, мультимедиа, технология, мультимедийный учебно-методический комплекс, информационные технологии.

Key words and expressions: complex, special subjects, multimedia, technology, multimedial training-methodological complex, information technologies.

Мустақил билим олишни индивидуаллаштириш, масофавий таълим тизими технологияси, унинг воситаларини ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш, янги педагогик ҳамда ахборот технологиялари асосида тайёргарликнинг модул тизимидан фойдаланган ҳолда ўқитишни жадаллаштириш долзарб вазифалар сирасига киради. Фан, техника ва технологиялар тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқликни бартараф этиш зарурати олий педагогик таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли янада юқори долзарблик касб этмоқда [1.4].

Бугунги кунда жамиятимиз жуда тез ривожланмоқда ва ўзгармоқда. Замонавий билимлар сари кенг йўл очиш, таълимни такомиллаштиришда янги ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш давр талабига айланди. Республикамизни мустақиллик йилларида таълим тизими ислохотида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимига масофадан ўқитиш, интернет, мультимедиа алоқа,

мультимедиали ўқув-методик мажмуа каби тушунчалар кириб келди.

Таҳлил ва тадқиқотларимиз қўйидаги вазифалар аниқлаштирилди:

- мультимедиали ўқув-методик мажмуа яратишга қўйиладиган педагогик талаблар ва мезонларни илмий асослаш;

- мультимедиали ўқув-методик мажмуанинг таркибий қисмларини шакллантириш технологияларини кўриб чиқиш;

- “таълимда ахборот технологиялари” фани бўйича олий таълим учун мультимедиали ўқув-методик мажмуа яратиш, шунингдек, ундан фойдаланиш методикасини ишлаб чиқиш;

- яратилган мультимедиали ўқув-методик мажмуалар ва уларни ўтиш методикасининг самарадорлигини аниқлаш мақсадида тажриба ўтказиб, натижаларини статистик таҳлил қилиш.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларга таълим бериш ва кадрларни қайта тайёрлашни йўлга қўйиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидандир. Мультимедиа тушунчаси XX асрнинг 90-йилларида ҳаётимизга кириб келди. Мультимедиа ўзи нима? Кўпгина

мультимедиали дарслик,
мультимедиали кўлланма,
мультимедиали кутубхона,

М.Мирзажанов – ТАТУ Фарғона филиали табиий фанлар кафедраси доценти, физика-математика фанлари номзоди.

Н.Расулова – ТАТУ Фарғона филиали ахборот–таълим технологиялари кафедраси ўқитувчиси

мутахассислар бу атамани турлича таҳлил қилишмоқда. Бизнинг фикримизча, мультимедиа – информатиканинг дастурий ва техникавий воситалари асосида аудио, видео, матн, графика ва анимация (объектларининг фазодаги ҳаракати) эффе́ктлари асосида ўқув материалларини ўқувчиларга етказиб беришнинг мужассамланган ҳолдаги кўринишидир. Ривожланган мамлакатларда ўқитишнинг бу усули, ҳозирги кунда таълим соҳаси йўналишлари бўйича татбиқ қилинмоқда. Ҳатто, ҳар бир оила мультимедиа воситаларисиз ҳордиқ чиқармайдиган бўлиб қолди. Ҳозирги кунда эса сотилаётган ҳар бир компьютерни мультимедиа воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Компьютерларнинг 70-йилларда таълим соҳасида кенг қўллаш йўлида уринишлар зое кетганлиги, авваломбор, улар унумдорлигининг ниҳоятда пастлиги билан боғлиқ эди. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш икки баробар унумлидир ва вақтдан ютиш мумкин. Мультимедиа воситалар асосида билим олишда 30% гача вақтни тежаш мумкин бўлиб, олинган билимлар эса хотирада узоқ муддат сақланиб қолади. Агар ўқувчилар берилаётган материалларини кўриш (видео) асосида қабул қилса, ахборотни хотирада сақлаб қолиши 25-30% га ошади. Бунга қўшимча сифатида ўқув материаллари аудио, видео ва графика кўринишида мужассамлашган ҳолда берилса, материалларни хотирада сақлаб қолиш 75% га ортади.

Мультимедиа воситалари асосида ўқувчиларни ўқитиш қуйидаги афзалликларга эгаллигини таъкидламоқчимиз: [4]

- берилаётган материалларни чуқурроқ ва мукамалроқ ўзлаштириш имконияти бор;

- таълим олишнинг янги соҳалари билан яқиндан алоқа қилиш иштиёқи янада ортади:

- таълим олиш вақтини қисқариш натижасида, вақтни тежаш имкониятига эришиш;

- олинган билимлар киши хотирасида узоқ муддат сақланиб, керак бўлганда амалиётда қўллаш имконияти яратилади.

Ахборот технологияларининг мультимедиа воситалари ўқув жараёнида қуйидаги энг муҳим жиҳатлари билан алоҳида аҳамиятга эгадир:

- дифференциал ва индивидуал ўқитиш жараёнини ташкил этилиши;

- ўқув жараёнини баҳолаш, тескари алоқа боғлаши;

- ўзини-ўзи назорат қилиш ва тузатиб бориши;

- ўрганилаётган фанларни намойиш этиши ва уларнинг динамик жараёнини кўрсатиши;

- фан мавзуларида анимация, графика, мультимедиа, овоз каби компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиши;

- ўқувчи - талабаларда фанни ўзлаштириш учун муҳим кўникмалар ҳосил қилиш ва ҳоказо.

Мультимедиа технологиянинг энг муҳим илмий хусусияти интерфаоллик - ахборот муҳити ишлашида фойдаланувчига таъсир ўтказа олиши қадрли бўлиб талаба, ёшларни ижтимоийлаштиради.

Маъруза, доклад ёки бошқа чиқишларда одатда кўрғазмалар намойиш этиш воситаси сифатида плакатлар, қўлланма, лаборатория тажрибаларидан фойдаланилади. Бу мақсадда диапроекторлар, кодоскоплар, график тасвирларни экранда намойиш этувчи слайдлардан фойдаланилади. Компьютер ва мультимедиа проекторнинг пайдо бўлиши маърузачи нутқини овоз, видео ва анимация жўрлигида сифатли ташкил этишнинг барча зарурий жиҳатларини ўзида мужассам қилган кўрғазмалар материалларни тақдимот сифатида тайёрлаш ва намойиш этишга имкон беради.

Ҳозирда республика таълим тизимида ўқитувчи-тингловчи ва ўзаро тингловчилар алоқасини йўлга қўйиш мақсадида икки томонлама коммуникацион технологиялар кенг қўлланила бошлади. Бунда масофадан ўқитиш тизимини Интернет имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда тақсимлаш кўзда тутилган [2.4].

Замонавий ўқув-методик мажмуалар ўқув материалларининг турли шакллари (мультимедиа, қоғоз ва ҳоказо) мажмуаси бўлиб, улар фан дастурларига мос келувчи, аудитория машғулотларининг барча

турлари ва мустақил таълимни ўқув-методик таъминотини ўзида мужассамлаштиради.

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар (МЎММ) - замонавий ахборот технологиялари муҳиtida ўқитишнинг дидактик, дастурий ва техник интерактив мажмуасидан ташкил топади ва улар ўқув материалларини компьютер технологиялари ҳамда аудио-видео воситалар асосида яратиш, тизимлаштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш имкониятини берувчи манбадир. МЎММларнинг таълим воситалари таркибига ўқув дарсликлари, қўлланмаларнинг мультимедиали версиялари, компьютер мультимедиали ўргатувчи тизимлар, аудио ўқув-ахборот материаллари, видео ўқув-ахборот материаллари, виртуал лаборатория ишлари, тренажёрлар, маълумотлар ва билимлар базаси, мультимедиали кутубхоналар, эксперт ўргатувчи тизимлар асосидаги ўқитиш воситалари, виртуал реаллик асосидаги ўқитиш воситалари киради.

Мультимедиали ўқув-методик мажмуалар таълим жараёнини индивидуаллаштириш ва дифференциялаш асосида ўқувчининг ўқув фаолиятини ўзи назорат қилиш ҳамда тўғри йўналтириш,

компьютернинг ҳисоблаш имкониятларидан фойдаланиш туфайли ўқув вақтини тежаш, ўқув материалларини визуаллаштириш, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларни моделлаштириш, уларни имитациялаштириш, турли педагогик вазиятларда оптимал қарор қабул қилиш малакасини шакллантириш, фикрлашнинг аниқ бир шакли (кўргазмали-образли, назарий)ни ривожлантириш, билиш фаолияти маданиятини шакллантириш каби имкониятларни беради. Хусусан, мутахассислик фанлардан мультимедиали ўқув-методик мажмуалар яратиш, улар ёрдамида таълим мазмунини шакллантириш масаласи ҳали етарлича тадқиқ этилган эмас.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мультимедиали ўқув-услубий мажмуалар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда ва талабаларнинг мустақил билим олишлари ҳамда масофадан ўқитишни ташкил қилиш учун катта имкониятлар яратади. Уларни таълимда қўллайдиган бўлсак, талабаларимизнинг фанни ўзлаштириш ва билимдонлик сифатлари янада мустаҳкам бўлар эди. бундай услублар замонавий таълим жараёнини сифатини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Пардаев А.Х. Масофали ўқитиш назарияси ва амалиёти. –Т.: Фан, 2009.
2. Воронов М.В., Пименов В.И. Мультимедийные технологии и дистанционное обучение.- 2000. -№ 1(12).
3. Сляднева Н.А. Вузовская подготовка специалистов по электронному бизнесу и мультимедиа-технологиям //Информация для всех: Культура и технологии информационного общества: Материалы междунар. конф. EVA - 2002. -2-7 декабря 2002 г./ М-во культуры РФ, Центр ПИК. – М., 2002.
4. Бегимкулов У.Ш., Тайлақов Н.И. Таълимга замонавий ахборот технологияларини жорий этишнинг истиқболли йўналишлари. Узлуксиз таълим сифат ва самарадорлигини оширишнинг назарий-амалий муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Самарқанд. -2008 йил, 27-28 июнь.

(Тақризчи: Т.Эгамбердиева, педагогика фанлари доктори, профессор).